

Масофавий таълим ресурсларини яратишда ASP имкониятларидан фойдаланиш.

Нарзиев У.З.

Бухоро муҳандислик-технология институти umidnz@rambler.ru

Бизга маълумки, масофавий дастурларни яратишда WEB технологияларга асосланган дастурлардан фойдаланилади. Чунки сотувчи билан харидор ўртасидаги мулоқот Internet тармоғи орқали амалга оширилади. Тармоқда ишлаш вақтида эса, бир қанча талабларни ҳисобга олиш керак. Бу талабларга трафик, сайтнинг очилиш тезлиги, маълумотларни узатиш ва қабул қилиш имконияти, янгиликлар ҳақида ўз вақтида хабар бериш имконияти ва ҳо казолар киради.

WEB технологияларга асосланган дастурларни яратишнинг жуда кўп муҳитлари мавжуд. Буларга FrontPage, Dreamweaver, HTML, PHP, ASP ва шу каби кўплаб дастурларни келтириш мумкин. Шу вақтгача бу дастурлаш муҳитлари ёрдамида жуда кўплаб WEB технологияларга асосланган дастурлар яратилган. Лекин, мукамал дастурлар яратиш талабларига уларнинг ҳаммаси ҳам жавоб бера олмайди.

Қуйида биз масофавий дастурга қўйиладиган баъзи бир талабларни санаб ўтамиз:

Администратор (ўқитувчи) дастурига:

- Янги маълумотларни ўз вақтида ихтиёрий жойдан киритиш;
- Керакли файлларни дастурга жойлаштириш;
- Ўзгаришлар ҳақида мос мижозларга хабар қилиш;
- Ҳар бир мижоз учун янги таклифлар тайёрлашда унинг олдинги сўровларини инобатга олиш;
- Ҳар бир мижоз (талаба)дан келган сўров (жавоб)ларни унинг шахсий жилдига йиғиш;
- Ҳар бир мижоз ҳақида тезкор ва мукамал ҳисобот олиш.

Мижоз дастурига:

- Керакли файлларни дастурдан олиш;
- Камчиликлар ҳақида администраторга хабар қилиш;
- Дастур интерфейсини ўзи хоҳлаган хилда ўзгартириш;
- Дастурни ихтиёрий восита (Internet Explorer, Opera, Mozilla,...) ёрдамида очиб кўриш;
- Янги мижозни рўйхатдан ўтказиш;
- Кириш пароли йўқолганда уни қайта тиклаш имконияти.

Шу ва шу каби амаллар ҳозирги масофавий таълим ресурсларига қўйилаётган асосий талаблардир.

Биз таклиф қилаётган ASP дастурлаш муҳити ёрдамида яратилган дастурлар худди шундай амалларни ўзида мужассамлаштирган. Бошқа дастурлардан фарқли равишда, ASP дастурлаш муҳитида саҳифалар кодлари ва ҳоларлар кодлари алоҳида файллар сифатида сақланади ва улар ишлатилганда бир-бирига мутаносиб ишлайди. Бу усулнинг устунлиги шундаки, бирор саҳифадаги объект ҳолатини ўзгартириш учун саҳифа файлини ўзгартириш шарт эмас.

ASP дастурлаш муҳитида бошқарув объектларидан Master Page, Site Map, Style Sheet, Skin File, Login, LoginView, PasswordRecovery, CreateUserWizard, FileUpload кабилар юқорида келтирилган масалаларнинг емини оснлаштиради. Шунингдек, ASP дастурлаш муҳитида дастурчилар томонидан янги компонентлар яратиш имконияти мавжуд бўлиб, бунда мавжуд объектлар тўпламидан фойдаланиш мумкин.

Яни бир муҳим устунлик шундаки, ASP дастурлаш муҳитида яратилган саҳифалар объектларининг ҳолатлари кодини C#, C++, C, Visual Basic каби юқори савияли дастурлаш тилларидан бирида яратиш мумкин.

ASP дастурлаш муҳитида объектларни ўрнатиш амали анча осон ҳисобланиб, ҳар бир объект учун алоҳида код киритиш кифоя. Масалан йўқотилган паролларни қайта тиклаш учун мўлжалларган объектни фаоллаштириш учун:

```
<asp:PasswordRecovery ID="PasswordRecovery1" runat="server">  
</asp:PasswordRecovery>
```

кодини киритиш етарли ҳисобланади.

Биз бошқа дастурлаш муҳитларини камситмоқчи эмасмиз, юқорида кўрсатилган дастурлаш муҳитлари ёрдамида тайёрланган бир нечта WEB технологияларга асосланган дастурларни кўрганмиз ва ҳозирги кунда ҳам фойдаланаяпмиз. Лекин уларда яратилган дастурлар (WEB сайтлар), юқорида келтирилган талабларнинг ҳаммасига жавоб бера олмайди. Бу дастурлаш муҳитларида керакли талабларга эришиш учун дастурнинг ҳажмини ва трафикни ҳисобга олмасликка тўғри келади ва натижада дастурнинг масофадаги компьютерда очилиши ёки у билан маълумот айрибошлаш амаллари мураккаблашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М. Беллиньясо Разработка WEB приложений в среде ASP.NET 2.0 Москва., Санкт Петербург., Киев. 2007 г.